

Хужжат кучини йўқотган 01.07.1998

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

ЕР ТЎҒРИСИДА

■ LexUZ шарҳи

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги 599-1-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

■ LexUZ шарҳи

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон ССР конституцияси (асосий қонуни)га ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ мазкур Қонуннинг номидаги ҳамда матнидаги «Ўзбекистон ССР» деган сўзлар тегишли келишикдаги «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилган.

■ LexUZ шарҳи

Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-бандига мувофиқ, мазкур Қонуннинг 1, 2, 3, 9—18, 20—25, 28, 30—34, 40—48, 50—56, 60—62 ва 64-моддалардаги «Қорақалпоғистон АССР Олий Совети», «Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети», «ва Қорақалпоғистон АССР», «Қорақалпоғистон Олий Советининг қарорлари» деган сўзлар, шунингдек, 1, 7, 9, 10, 12, 18, 24, 25, 41—48, 50, 54—56 ва 60-моддалардаги «ССР Иттифоқи» деган сўзлар чиқариб ташланган.

Ўзбекистон Республикасининг Ер тўғрисидаги Қонуни ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, тупроқнинг унумдорлигини тиклаш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш учун, хўжалик юритишнинг ҳамма шаклларини тенг ҳукуқлар асосида ривожлантириш учун шароит яратиш мақсадида ер муносабатларини тартибга солади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонунлари

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикасида ер муносабатлари ушбу Қонун билан ва Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

(1-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрдаги 439-XII-сон Қонуни таҳририда — Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 84-модда)

Тоғ, ўрмон ва сув билан боғлиқ муносабатлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, шунингдек атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни асрашга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунлари билан тартибга солинади.

2-модда. Ер — Ўзбекистон Республикаси мулки

Ер умуммиллий бойлиkdir, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ер участкалари қуидагиларга мулк қилиб берилиши мумкин:

юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари шу объектлар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилаётганда;

чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — дипломатия корпуси ходимларига, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларига, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналарининг ходимларига, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларга, шунингдек республикада доимий истиқомат қилаётган ва истиқомат қилиш учун гувоҳномаси бўлган шахсларга турар жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилаётганда;

дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга ваколатхона биноси, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳи сифатида фойдаланиб келинаётган бинолар ёки биноларнинг бир қисми, шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек, мазкур ваколатхоналарнинг биноларини қуриш учун ер участкалари сотилаётганда.

(2-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 231-1-сон Қонунига мувоғиқ түртинчи хатбоши билан тўлдирилган — Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 5-сон, 69-модда)

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ер участкаси олиш ҳукуқига эгадирлар, уни бериш шартлари ва тартиби ушбу Қонун билан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

3-модда. Ерларнинг таркиби

Ўзбекистон Республикасининг барча ерлари қайси мақсадда фойдаланишига қараб қўйидагиларга бўлинади:

1) қишлоқ ҳўжалик ерлари;

Олдинги таҳрирга қаранг.

2) аҳоли пунктларининг ерлари (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари);

(3-модда биринчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 859-XII-сон Қонуни таҳририда — Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 243-модда)

3) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ерлари ва бошқа ерлар;

4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, дам олишга ва тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар;

5) ўрмон фонди ерлари;

6) сув фонди ерлари;

7) захира ерлар.

Кам сонли халқлар ва этник групкалар яшайдиган ва ҳўжалик юритадиган жойларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан мазкур тоифадаги ерлардан фойдаланишининг алоҳида тартиби ўрнатилиши мумкин.

Олдинги таҳрирга қаранг.

4-модда. Посёлка ва қишлоқлар ўзини ўзи бошқарув идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қўйидагилар посёлка ва қишлоқлар ўзини ўзи бошқарув идораларининг ихтиёрида бўлади:

шахсий ёрдамчи ҳўжаликни юритиш учун бериладиган ер участкалари катта-кичиликлининг меъёрларини тасдиқлаш;

посёлкалар ва қишлоқларнинг ҳудудидаги ерлардан фойдаланишини ва уларни муҳофаза этишни назорат қилиш;

ўз ихтиёrlарига берилган ер захираларини тасарруф этиш;

ер участкасининг катта-кичиликидан қатъи назар, қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари таркибига кирмайдиган посёлка ва қишлоқ аҳоли пунктлари доирасидаги ерларни эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага бериш, шунингдек ерларни олиб қўйиш;

Олдинги таҳрирга қаранг.

ер участкаларига мулқдорлик, ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳукуқларини шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

(4-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги 2022-XII-сон Қонуни таҳририда — Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1994 й., 11-12-сон, 285-модда)

фуқароларга шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун, уй-жой қуриш ва унга хизмат кўрсатиш учун, шунингдек пичанзор ва мол боқиш учун бериб қўйилган ер учун ҳақ олиш;

ушбу модданинг **бешинчи хатбоисида** белгиланган тартибда ер бериб қўйилган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиши.

(4-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 859-XII-сон Қонуни таҳририда — Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 243-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

5-модда. Ҳокимият шаҳар идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қўйидагилар ҳокимиятнинг шаҳар идоралари ихтиёрида бўлади:

шаҳар доирасидаги ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш;

ер участкасининг катта-кичиклигидан қатъи назар, шаҳар доирасида эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;

Олдинги таҳрирга қаранг.

ер участкаларини фуқароларнинг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалигига ким ошди асосида сотиш;

(5-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майдаги 70-I-сон Қонунига мувофиқ тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган — Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

ер участкаларига мулкдорлик, ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқларини шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

(5-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги 2022-XII-сон Қонуни таҳририда — Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1994 й., 11-12-сон, 285-модда)

шаҳар доирасида фуқароларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериб қўйилган ер учун ер солиғи ва ижара ҳақи ундириш;

ушбу модда биринчи қисмининг **учинчи хатбоисида** белгилаб қўйилган тартибда ер берилган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиши;

ер-кадастр ҳужжатларининг юритилишини ташкил этиш;

ер тузиш ишларини уюштириш.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Тошкент шаҳрининг ҳокимият органлари дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан, ваколатхона бошлигининг қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк қилиб сотишлари ҳам мумкин.

(5-модда Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 231-I-сон Қонунига мувофиқ иккинчи қисм билан тўлдирилган — Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 69-модда)

Ҳокимиятнинг шаҳар таркибиға киравчи туман идоралари ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида ҳал этадиган масалалар доирасини ҳокимиятнинг шаҳар идоралари белгилаб қўядилар.

(5-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 859-XII-сон Қонуни таҳририда — Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 243-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

6-модда. Ҳокимият туман идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қўйидагилар ҳокимият туман идораларининг ихтиёрида бўлади:

ерлардан фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни назорат этиш;

фуқароларга, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, дәққон хўжаликлариға эгалик қилиш, фойдаланиш учун ҳамда ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни; биринчи гурӯхга мансуб ўрмонлар билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа объектлари эгаллаб турган ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларни; сув фонди ерларини олиб қўйиш — битта ер эгасига ва битта ердан фойдаланувчига 10 гектаргача майдонда;

фуқароларга, корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга захира ерлардан ер участкасининг катта-кичиликвидан қатъи назар, эгалик қилиш, фойдаланиш учун ҳамда ижарага ер бериш;

Олдинги таҳрирга қаранг.

ер участкаларини фуқароларнинг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалигига ким ошди асосида сотиш;

(6-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майдаги 70-1-сон Қонунига мувофиқ бешинчи хатбоши билан тўлдирилган — Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда)

ушбу Қонуннинг 13-моддасида белгиланган эгалик қилиш ва фойдаланиш хуқуқларини тўхтатиш сабаблари белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейин ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хуқуқларини тўхтатиб қўйиш, посёлка ва қишлоқ ўзини ўзи бошқарув идоралари, ҳокимиятнинг туман бўйсунувидаги шаҳар идораларининг ваколат доирасига кирувчи ҳоллар бундан мустасно;

Олдинги таҳрирга қаранг.

ер участкаларига мулқдорлик, ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш хуқуқларини шунингдек ерни ижарага олиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш;

(6-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги 2022-XII-сон Қонуни таҳририда — Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1994 й., 11-12-сон, 285-модда)

жамоа хўжаликлари тузилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда уларнинг ерга эгалик қилиши масалаларини ҳал этиш;

ер-кадастр хўжжатларининг юритилишини ташкил этиш;

ер тузиш ишларини ташкил этиш;

фуқароларга жамоат боғдорчилиги ва узумчилиги учун, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериб қўйилган ер учун ер солиғи ва ижарага ҳақи ундириш.

Ҳокимиятнинг туман бўйсунувидаги шаҳар идоралари ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида ҳал этадиган масалалар доирасини ҳокимиятнинг туман идоралари белгилаб қўядилар.

(6-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 859-XII-сон Қонуни таҳририда — Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 243-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

7-модда. Ҳокимият вилоят идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоят ҳокимият идораларининг ихтиёрида бўлади:

ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун, давлат ва жамоатнинг бошқа эҳтиёжлари учун ушбу модданинг бешинчи хатбошисида айтилган шартларга риоя қилган ҳолда эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш;

дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк қилиб сотиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйиладиган рўйхатга мувофиқ олиб қўйиладиган ерлар, шу жумладан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳамда тарихий-маданий обьектлар ва ҳудудлар эгаллаб турган ерлар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил зоналари ерлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонлари, биринчи гуруҳга мансуб ўрмонларнинг ерларидан ташқари барча ерларни катта-кичиклигидан қатъи назар олиб қўйиш;

ер-кадастр хужжатларининг юритилишини ташкил этиш;

ер тузиш ишларини ташкил этиш.

(7-модда Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 231-I-сон Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 69-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

8-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ер муносабатларини тартибига солиш соҳасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ер муносабатларини тартибига солиш соҳасидаги ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйилади.

(8-модда Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрдаги 439-XII-сон Қонуни таҳририда — Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 84-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибига солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибига солиш соҳасида қуидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрида бўлади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ерларни посёлка ва қишлоқ ўзини ўзи бошқарув идоралари билан, ҳокимиятнинг туман, шаҳар ва вилоят идоралари билан, шунингдек ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда тасарруф этиш;

ерлардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, табиатни қўриқлаш соҳасидаги бошқа тадбирлар билан комплекс тарзда ер ресурсларини муҳофаза қилиш юзасидан ҳокимият маҳаллий идоралари билан биргалиқда республика дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни бажариш;

ер тузишни ҳамда Давлат ер кадастрини юритишни ташкил этиш.

(9-модда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 859-XII-сон Қонуни таҳририда — Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 243-модда)

10-модда. Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш

Ер қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга доимий эгалик қилиш учун, қонунларда кўзда тутилган ҳолларда эса бошқа мақсадлар учун ҳам берилади.

Доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун ер:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

саноат, транспорт ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга;

мудофаа эҳтиёжлари учун;

диний ташкилотларга;

чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмаларга ҳамда ташкилотларга берилади.

(10-модда биринчи ва иккинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 859-XII-сон Қонуни таҳририда — Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 243-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун айрим шахсларга ер участкалари мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш учун ва фойдаланиш учун берилади.